Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига Тошкент шаҳрида доимий аҳоли сони 2444,1 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 39,0 минг кишига ёки 101,6 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й.[1)]	ўсиш, камайиш (-)	2016 й.	2017 й.[1)]
Туғилганлар	20128	20403	275	16,9	16,9
Ўлганлар	8212	8161	-51	6,9	6,8
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	777	394	-383	17,6	18,1
Табиий ўсиш	11916	12242	320	10,0	10,1
Никоҳлар	7311	6762	-549	6,1	5,6
Ажралишлар	2369	1789	-580	2,0	1,5

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-июнида туғилганлар сони 20403 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (20128 киши) нисбатан 275 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 16,9 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (16,9 промилле).

Туғилиш даражасининг купайиши Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманида (17,5 дан 17,6 промиллега), Яшнобод туманида (15,3 дан 15,9 промиллега) Юнусобод туманида (16,9 дан 17,0 промиллега) ва Яккасарой (11,5 дан 12,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-июнида ўлганлар сони 8161 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (8212 киши) нисбатан -51 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 6,8 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-июнида 6,9 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Сергели (8,4 дан 8,0 промиллега), Юнусобод (7,4 дан 6,7 промиллега), М.Улугбек (8,0 дан 7,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 62,8 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 13,3 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,6 фоизи - овқат ҳазм қилиш

[1)] дастлабки маълумот

органлари касалликларидан, 4,7 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 4,0 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнида бир ёшга тўлмаган 394 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 18,1 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-июнида 17,6 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 56,3 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 27,4 фоизи–нафас олиш органлари касалликларидан, 10,1 фоизи–туғма аномалиялардан ва 1,5 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-июнида ФҲДЁ органларида 6762 та никоҳлар ва 1789 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,6 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида–6,1 та) ва 1,5 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида–2,0 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент шаҳри бўйича кўчиб келганлар сони 13168 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 5481 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи плюс 7687 кишига (2016 йилнинг шу даврида–плюс 12 киши) тенг бўлди.

Энг катта плюс қолдиқлар Бектемир (плюс 265), Сергели (плюс 1052) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-июнга нисбатан 100,3 фоизга кўпайиб, 1540,9 минг кишини ёки Тошкент шаҳри доимий аҳолисининг 63,0 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-июнда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 3145 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Олмазор (317 кишига), Яшнобод (257 кишига), Мирзо Улуғбек (187 кишига), Юнусобод (163 кишига), Учтепа (107 кишига), Чилонзор

(69 кишига), Миробод (50 кишига) ва Сергели (22 кишига) туманларида камайган.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 2293 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Шайхонтохур (394 киши), Юнусобод (290 киши), Яшнобод (288 киши), Миробод (221 киши), Сергели (203 киши) ва Олмазор (157 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 646 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)

(киши бирликда)